O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 28 май, чоршанба • №43 (11.534) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

## «ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНДИ

*Вилоят ҳокимлигида «2003 йил — Обод маҳалла йили» дастурининг қандай амалга оширилаётганлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли бўлим, бошқарма, жамғарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ижтимоий ва қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.*

Йиғилишда обод маҳалла йили вилоят дастурини бажариш борасида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Мажлисда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Тўлқин Миркомиловнинг ахбороти тингланди.

Унда таъкидланганидек ўтган даврда шаҳар ва туманларда дастурда белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилгани, шу билан бирга ҳали бу борадаги ишларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, вилоятдаги марказий йўлларни таъмирлаш, уларнинг атрофларини кўкаламзорлаштиришга Оққўрғон, Чиноз, Оҳангарон туманларида етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда жойларда ноқонуний қурилган савдо тармоқлари борасида жиддий эътирозлар билдирилди.

Белгиланган дастур бўйича ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчалар, автомобиль ва шоҳ йўллар бўйларини гўзаллаштириш, аҳоли турар-жойлари, биноларнинг замонавий, маҳалла гузарлари, ҳиёбонлар ва маданий-маиший иншоотларнинг ўзига хос қиёфада бўлиши, кўприклар, ариқ ва бетон ариқларнинг меъёрий талабларга жавоб бериши, электр-энергия, алоқа ва газ тармоқлари ўтказилишини тезроқ амалга ошириш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиясининг шаҳар ва туманларда амалга оширган ишлари ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пилла-2003

*Бу йил вилоятда 930 тонна пилла етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда жами 17 минг 993 қути қурт уруғи жонлантирилиб, 20 мингдан зиёд хонадонга тарқатилган. Айни кунларда ипак қуртини парваришлашга биринчилардан бўлиб киришилган туманларда пиллахоналарга хомашё топшириш қизғин бошланиб кетди. Жумладан, Ўртачирчиқ тумани пиллахонаси ходимлари ўтган шанба кунидан бошлаб дастлабки «кумуш тола»ни қабул қилишга киришдилар. Ҳозир туман хўжаликлари кунига 2,5-3 тоннага етказиб ҳосил топширмоқда.*

## «КУМУШ ТОЛА» ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН

Ўн еттита ширкат хўжалиги ва икки юз нафар фермер билан тузилган шартномаларга мувофиқ бу йил пиллахона 92 тонна хомашё қабул қилиб олиши керак. «Истиқбол» хўжалиги аъзолари пилла теримини туманда биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Кекса пиллакор Зарифа Аширбекова шанба куни бир қути қурт уруғидан 72 килограмм, Охунбобоев номли ширкат хўжалигидан Ўрол Тожиқулов икки қутидан 145 килограмм юқори навли пилла топширдилар.

— Айрим тажрибали пиллакорларимиз ҳар қутидан 80 килограммгача етказиб ҳосил олишяпти, — деди Охунбобоев номли хўжаликнинг пилла бригадири Юлдуз Умарова. — Масалан, Шуҳрат Йўлдошев икки қути қурт боқиб, 160 килограмм сифатли хомашё олди.

Ҳақиқатан ҳам бу йил ҳосил мўл бўлди. 93 хонадонга тарқатилган 124 қути уруғ агротехника қоидалари асосида парвариш қилингани, озуқа базасидан самарали фойдаланилгани туфайли пилла эрта ва сифатли етилди. Пиллахона билан тузилган шартномага мувофиқ хўжалик 6,5 тонна хомашё топшириши лозим. Дастлабки натижалар эса ўртача ҳосилдорлик камида 60 килограммга етишини кўрсатмоқда.

Ўтган шанба куни мухбиримиз Даврон Аҳмад туман пиллахонасида бўлиб, сиз кўриб турган ушбу сурат-лавҳани тасвирга тушириб қайтди.



***СУРАТДА:** моҳир пиллакор Зарифа Аширбекова.*

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 йил 29 май куни Москва шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида, 30 май куни эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий учрашувида иштирок этади.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

*Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида" янги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ўшанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январи охирида Новосибирскка борганимни эсладим.*

Вазифам осон эмас – журналистлик текшируви ўтказишим керак эди. Мен ва "Совет Ўзбекистони" журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибир ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик йигитларнинг ўлдирилгани ҳақида кўплаб далилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража совуқда қўлида белкурак ушлаган жиззахлик ва қаршилик йигитларнинг совуқ урган қўллари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўпи касал ва бошидан армияга чақирилмаслиги керак эди. Шунингдек, кўплари Совет армияси тузилмаларида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан "зўравонлик" азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайди. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунмагани учун буйруққа бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ "гауптвахталарда ётишининг" сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни "қурилиш батальони"да ўташди, Сибирнинг аёвсиз совуғида "ковла", "қур", "таши" деган буйруқларни бажаришига тўғри келди. Ўзининг жонажон қишлоғи-

(Давоми 2-бетда).

## ХУСУСИЙ СЕКТОР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда бозор инфратузилмаси ташкилотлари айни пайтда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини монополиядан, мулкни эса давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий секторни кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантиришга доир ҳукумат қарорларида белгиланган устувор вазифаларни бажариш бўйича фаол ишларни олиб бормоқда.*

– 2002 йил якунларининг таҳлили корхоналарнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш соҳасини кенгайтириш, хусусий мулк шаклидаги корхоналар – акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, хусусий корхоналарни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар анча фаоллашганидан дарак беради, – деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Игорь ЯКОВЛЕВ. – Ўтган йил давомида икки мингга яқин корхона ва объект хусусийлаштирилди, барча манбалар бўйича маблағлар тушуми 43 миллиард 589,5 миллион сўмни ташкил этди. Кўчмас мулк объектларини, шу жумладан, хусусий фойдаланиш учун ер участкаларини сотиш суръати ошди. Ўтган йил мобайнида ўн мингдан зиёд давлат объекти 6,7 миллиард сўмга, шу жумладан, саккиз мингдан ортиқ ер участкаси 551 миллион сўмга сотилди.

Турли соҳадаги 1142 акциядорлик жамиятида хусусийлаштиришдан кейин корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу эса иқтисодий ночор корхоналар сонини 2 баравар камайтириш имконини берди.

"Электркимёсаноат", "Навоийазот", "Ўзбекрезинотехника" каби корхоналар, Юк вагонларини таъмирлаш заводи, Йўловчиларни ташиш вагонларини таъмирлаш заводи, Тошкент иссиқлик электр маркази, Сирдарё ГРЭСи, "Махсусқотишма" республика бирлашмаси каби йирик корхоналар мулкчилик шаклини ўзгартирди. Аввал хусусийлаштирилган йирик корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида ушбу корхоналарнинг кўпчилигида қайта таркиблаш тадбирлари ўтказилди.

**– Хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тизимда бўлажак инвесторлар билан олиб борилаётган ишларнинг ҳозирги аҳволи қандай? Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида қандай ишлар олиб борилияпти?**

– Хорижий инвесторлар билан "Резинотехника", "Сувмаш", "Юктранс", "Турон" меҳмонхонаси каби йирик акциядорлик жамиятларининг акциялари ва объектларини сотиш бўйича умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш ва қимматли қоғозлар бозорини ахборот билан таъминлашни кучайтириш мақсадида хўжалик бирлашмалари ва акциядорлик жамиятлари ҳақида махсус маълумотлар тўпланди ҳамда улар "Тошкент" республика фонд биржасининг сайтида (www.uzse.com) жойлаштирилди.

Бундан ташқари, биржада "видеолистинг" тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда 144 акциядорлик жамияти тўғрисида 800 га яқин видеолавҳа жамланган. Ҳар бир сармоядор ушбу маълумотлардан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган. Яна бир янгилик, биржада корпоратив облигацияларни сотиш бўйича янги савдо майдони ташкил этилди. Ҳужжат айланишининг электрон тизимини татбиқ этишга доир ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, биржа ва биржадан ташқари савдоларда қимматли қоғозларни сотиш ҳажмининг ошиши натижасида акциядорлар сони кўпайди. Масалан, ўтган йили хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциядорлари сони 166,7 минг нафарга ошди (бу 2001 йилга нисбатан 11 фоиз кўп демакдир) ва бугунги кунга келиб уларнинг сони бир ярим миллион нафарга етди.

Акцияларнинг жисмоний шахслар томонидан харид қилиниши ўтган йил давомида 2001 йилга нисбатан 2,6 марта кўпайди, битимларнинг умумий ҳажми эса 770,2 миллион сўмни ташкил этди. Бу аҳолининг фонд бозоридаги операцияларга бўлган қизиқишининг ошаётганидан дарак беради. Шубҳасиз, бу қизиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 январда қабул қилинган "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ акциядорлар жисмоний шахсларга дивиденд солиғидан 5 йил муддатга озод этиш имтиёзининг берилиши самарасидир.

Албатта, бу борада хорижий инвесторларнинг акцияларни сотиб олишга бўлган қизиқиши ҳам ортади. Улар кўпинча акциядорлик жамиятларида акциядорлар ва давлат вакилларининг ҳуқуқларини тенглаштириш зарурлиги, корхоналар фаолиятига турли хўжалик бирлашмалари, уюшмалари томонидан аралашувни чеклаш тўғрисидаги масалаларни қўяр эди. Ушбу масалалар мазкур Фармон билан ҳал этилганини халқаро молия институтлари, кўплаб инвесторлар ҳам маъқуллади.

**– Республикамиз Президентининг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

– Мазкур Фармонда хусусийлаштирилган корхоналарда мулк ва бошқарув тузилмасида сезиларли ислоҳотларни амалга ошириш имконини берадиган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бунда хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий исло-

(Давоми 2-бетда).

Экология ва саломатлик кунлари

## ИККИНЧИ БОСҚИЧ

*Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 мартдаги фармойишига мувофиқ ҳар йили мамлакатимизда уч босқичда «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиб келинмоқда. Шу йил июнь-июль ойларида ушбу тадбирнинг иккинчи босқичи доирасида «Бутунжаҳон атроф-муҳит куни»га бағишлаб «Ўзбекистон — барқарор экоривожланиш йўлида» шиори остида ўтадиган «Санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги» (5-15 июнь) ўтказилади.*

Ёзнинг айни иссиқ кунларига тўғри келадиган ушбу тадбирлардан мақсад ўткир ошқозон-ичак ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун вақтида зарур чораларни кўриш, аҳолининг санитария-гигиеник билимини ошириш ҳамда ҳамма жойда тозалик ва озодалик-саришталикка қатъий риоя этилишини таъминлашдир.

5-15 июнда республика миқёсида бўладиган «Бутунжаҳон атроф-муҳит кунлари»да фаол иштирок этиш мақсадида «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқичида Тошкент вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Жумладан, июнь-июль-август ойларида «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон болалар учун хайрия тадбирлари, «Биз тоза Чимён учун» шиори остида «Чимён-2003» экологик фестивали уюштирилади. Вилоятнинг барча ҳудудларида «Бутунжаҳон атроф-муҳит куни»га бағишлаб экологик хашарлар ташкил этилади.

Йил давомида «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танлови доирасида вилоят шаҳар ва туман маҳаллалари босқичлари ўтказилади. Вилоят ҳудудида санитария ва гигиена ҳолатини яхшилаш мақсадида аҳоли зич яшайдиган жойларда, мактаб, боғча, ошхона, шифохона ва бошқа жамоат жойларида рейдлар ўтказилиб, экологик муаммолар вақтида ҳал этиб борилади.

Шунингдек, ишлаб чиқилган тадбирлар дастурига мувофиқ вилоятнинг барча бошқарма ва бўлимлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот ва хўжаликлари 2003 йил 7 июнь куни «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида экологик шанбалик ташкил этадилар. Ундан тушган маблағ ёки бир кунлик иш ҳақи жамоанинг қарори билан ижтимоий-экологик дастурларни амалга оширишга сарфланади ҳамда жамғарманинг иш фаолиятини таъминлаш мақсадида **«Экосан» жамғармаси вилоят бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади: 20212000800132940001. Тош. САК «Пахта банк» МФО-00454. ИНН-200548585.**

Вилоят ҳокимлигининг барча бўлимлари, бошқармалари, жамғармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона, муассаса, хўжалик ва жамоат ташкилотларига шу йил июнь-июль ойларида «Экология ва саломатлик кунлари» иккинчи босқичини ўтказишга қаратилган вилоят тадбирлари дастурини тўлиқ амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар топширилди.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАНЛАР»

**(2003 йил 26 апрель)**

*Юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда оиласи учун қайғуриш у ёқда турсин, ота деган улуғ номга доғ тушираётганлар, ўз пушти камаридан бўлган фарзандларидан ҳам воз кечишдан тоймайдиган кимсалар учраб туриши, улар баъзан суд ҳукмидан кейин ҳам алимент тўлашдан бўйин товлашлари ҳақида сўз юритилиб, шу аснода вилоятдаги суд ижрочиларининг ўз хизмат вазифасини бажаришга бўлган муносабати икки хил кўринишда намоён бўлаётгани таъкидланганди. Ушбу мақола юзасидан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Б. Алматов имзоси билан жавоб хати олинди.*

Унда маълум қилинишича, департаментнинг ҳудудий бўлими томонидан М. Нисарова фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 99-моддаси талаблари бузилган ҳолда алимент пуллари кам миқдорда юборилганлиги аниқланган. Шу боис, қарздор И. Нисаров кичик хизматчи бўлиб ишлаётган Оҳангарон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи А. Жўрахонов ва бош ҳисобчи Ш. Азимбоеваларга нисбатан чора кўриш учун Оҳангарон туман судига билдирги билан мурожаат қилинган. Суд ижрочилари томонидан алимент қарзлари қайта ҳисобланиб, 2003 йил 5 ва 6 майда 9/116 ва 9/122 сонли квитанциялар орқали М. Нисаровага 5300 ва 50000 сўм юборилган.

Оҳангарон туман суд ижрочилари бўлинмаси суд ижрочиси М. Раимқулов алимент пулларининг ўз вақтида тўлиқ ундирилишини назорат қилмагани, натижада юқоридагидек камчиликларга йўл қўйгани учун вазифасидан озод этилган.

Департамент ҳудудий бўлими газетадаги мақола мавжуд нуқсонларнинг аниқланишига туртки бўлганлиги учун таҳририятга ва муаллифга миннатдорчилик билдириб, вилоят суд ижрочилари бўлинмаларига бундан буён шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун бу турдаги барча ижро ишларини қайта кўриб чиқиш ҳақида тегишли топшириқлар берилгани ва ижро варақалари алоҳида назоратга олинганини таъкидлаган.

*Шу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада айрим масъулиятсиз, эътиборсиз раҳбарларнинг «тўраларча» хатти-ҳаракатлари нафақат тадбиркорликка, балки, ислоҳотлар йўлига ҳам ғов бўлаётгани ҳақида ёзилганди. Бу чиқишга жавобан таҳририят Тошкент тумани ҳокимлигидан расмий мактуб олди.*

## «ТЎРАЧИЛИК»

**(2003 йил 30 апрель)**

Хатда эътироф этилишича, мақола туман ҳокими ҳузурида ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик бўлим бошлиқлари, тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинган. Масалага алоқадор ҳоким ўринбосари Собиржон Қаюмов ва Абдуворис Йўлдошевлар суд ҳал қилув қарорига мувофиқ жарима уидириш билан жазолаиганлар. Туман ҳокими ва унинг ўринбосари С. Қаюмов ҳозирда эгаллаб турган лавозимидан озод этилгаи.

«Ҳокимликда бундан кейин хато, нуқсон ва қонун бузилиши ҳоллари такрорланмаслиги юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Белгиланган вазифалар ижроси туман ҳокимлигининг доимий назоратига олинди», — дейилади хат ниҳоясида.

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ШАРАФЛИ БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан биринчи марта четга чиққан ёш йигитлар кўзларига ёш олиб, биздан ёрдам сўрагани ҳали-ҳамон эсимда. Афсуски, ўшанда бунинг иложи йўқ эди...

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди. Мустақилликкача биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, аҳолига ҳарбий хизматга қонунчилик асосида киритилган янгиликларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга чақириқ ёшида. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қизиқтирди. Ўйлашимча, энди бошқа давлатлардаги кўпчилик чақириқ ёшидаги йигитларнинг ўзбекистонлик тенгқурларига ҳаваси келиши мумкин. Негаки, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва уни кечиктириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига кейинги муддатга чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига /СЧР/ киритилиши айтилган.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул тўлаганингиздан кейин, фарзандингиз сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резерви ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар кўринишида ташкил этилади. Энг асосийси, эслатиб ўтилган бадалларни бир йил давомида олдиндан ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин.

Сиз тўлаган ушбу маблағлар давлат ғазнасига эмас, балки ўқув лагерида ҳарбий йиғин пайтида ўғлингизни боқиш, транспорт сарф-харажатлари, керакли анжомлар ва бошқа нарсалар сотиб олишга ишлатилади.

Сафарбарлик чақируви резерви хизматига кириш тартиби эса оддий. Бу борада ҳарбий хизматга чақирилувчи, унинг молиявий аҳволини кафолатловчи томон ва Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича туман /шаҳар/ бўлими ўртасида шартнома тузилади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга чақирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга аниқ мажбуриятлар юкланган. Улар ўртасидаги ҳар қандай баҳсли ҳолат судда ҳал этилади. Ҳарбий хизматга чақирилувчини нафақат унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари, балки юридик шахслар – турли корхоналар ва хусусий фирмалар кафилликка олиши мумкин.

Бир йил тугаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахс тегишли ҳарбий-ўқув мутахассислигига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юртларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазифаси билан чет элга бориши мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ шартнома тузилганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилган шахс ишлаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

Бу борада шуни эслатиб ўтиш жоизки, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги янги Қонун қабул қилингунига қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга чақирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмиятчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик чақируви резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белгиланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йиғинга ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади, холос.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшигача сафарбарлик чақируви резерви сафида бўлади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади. 27 ёшга етган ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган йигитлар Қуролли Кучлар резервига киритилади.

Совет армиясидаги хизматни бир эслаб кўринг. Ўша пайтларда ҳарбий хизматга қанча йигит керак бўлса, шунча етказиб бериларди. Бироқ бунинг оқибати ўзингизга яхши аён. Ўшанда Сибир ҳарбий округида мен суҳбатлашган аскар йигитлар орасида қулоғи оғир, кўзи хира ногиронлар ҳам бор эди. Улар ҳарбий хизматга "маҳаллий партия амалдорлари болаларининг" ўрнига чақирилган эди. Энди эса йигитлар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади, бунинг учун улардан ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуклари танлаб олинади.

Кўпчилик ота-оналар ва ёшларни "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги янги қабул қилинган Қонундаги айрим жиҳатлар ҳам қизиқтириши мумкин. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинади. Фуқароларда резерв тоифалари, улар нимага мўлжалланаётгани, ҳарбий тайёргарлик қандай ўтиши, Қуролли Кучларнинг ҳарбий қўшинлари, қисмлари ва бўлинмалари сафи қандай тўлдирилиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда кўп нарсалар ўзгаряпти, шу жумладан Ватанга хизмат қилиш ҳам йигитларимиз учун шарафли бурчга айланиб бораётир. Ўғлонларимиз ўз Она - тупроғимизда хизмат қилмоқда. Энди улар ўз йигитлик бурчини адо этиш учун узоқ ва совуқ Сибир ўлкасига бормайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тинч. Улар фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилганда мудофаа ишлари органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаол иштирок этмоқда.

Энди ҳар бир ўсмир йигитлик бурчини ўташни сабрсизлик билан кутади ва буни ўзига шараф деб билади. Зеро, Қуролли Кучларда бўлаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

*Азизахон ТЎЙЧИБОЕВА,*
*ЎзА мухбири.*

# ХУСУСИЙ СЕКТОР – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳотлар жараёнига аҳолининг кенг қатламини фаол жалб қилиш учун катта имкониятлар очилган. Бу иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида жуда муҳим. Айни пайтда Давлат мулки қўмитаси мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича бир қанча ишларни амалга оширмоқда.

Қўмита томонидан Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда "Хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни яхшилаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, хусусий секторни кенгайтиришга доир ҳужжатлар тўплами тайёрланди.

Мисол учун, 2003-2004 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури лойиҳасида давлат иштироки сақланиб қолган корхоналар сонини икки мингдан ортиқ корхонадаги давлат активларини, асосан, хусусий секторга сотиш ҳисобига кескин камайтириш кўзда тутилган.

Акциядорлик жамиятларида мавжуд бўлган жиддий камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам аниқ чора кўрилмоқда. Акциядорларнинг бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишларида кузатув кенгашлари таркибларини мазкур Фармон талабларига мослаштириш, улардан директорлик корпусига бўйсинадиган шахсларни чиқариш лозим. Директорлар эса бундан буён ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши, сотувлар ҳажми, даромад ва акциядорларга дивидендлар тўлаш асосий кўрсаткичлари ҳисобланадиган аниқ бизнес-режага эга бўлиши кераклигини билиши лозим.

Ушбу бизнес-режа фақат қоғозда бўлмаслиги керак. Негаки кузатув кенгаши ҳар чоракда директорлар ҳисоботини тинглаган ҳолда унинг ижросини доимий назорат қилиши ҳам лозим.

Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, вазирликлар, ташкилотлар ва бевосита акциядорлик жамиятларига кузатув кенгашларининг мажлислари ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш, устав жамғармаси Фармонда белгиланган минимал ҳажмдан кам бўлган акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасини кўпайтиришнинг услублари ва манбаларига оид услубий тавсияномалар тайёрланиб жўнатилди.

Шунингдек, акцияларнинг давлат пакетлари устав жамғармаларига берилган хўжалик бирлашмаларининг таъсис ҳужжатларини ўрганиш ишлари олиб бориляпти ва ушбу ҳужжатларни Фармон талабларига мослаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шуниң баробарида оммавий ахборот воситалари ва иқтисодиёт соҳаси билан бевосита боғлиқ нашрларда амалга оширилаётган тадбирлар моҳиятини кенг ёритиш ва тушунтириш ишлари олиб борилаётир, мақолалар чоп этиляпти, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар ташкил этилмоқда. Барча манфаатдор фуқаролар учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари кўмагида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси билан телефон орқали бевосита мулоқот уюштирилди. Бу каби тадбирлар ҳудудий бўлинмаларимиз томонидан ҳам ўтказилмоқда.

**– Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни барча жабҳаларда кенг ривожлантириш қўмита фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада ўтган йили қандай ишлар амалга оширилди?**

– Ҳақиқатан ҳам, йилдан-йилга кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси ортиб боряпти. Масалан, 2002 йил якунларига кўра, ички ялпи маҳсулотнинг 35 фоизга яқини кичик ва ўрта бизнес субъектлари улушига тўғри келди. Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 370 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса прогноз кўрсаткичлардан 1,5 марта кўпдир. Хусусий мулкдорлар сони ўтган йили 37,6 мингтадан ортиқ микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар эгалари ҳисобига кўпайди.

Албатта, бу 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастур доирасида амалга оширилаётган ҳамда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилган кундалик ишлар натижасидир. Рўйхатга олиш жараёнини тартибга солиш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 1,2 баравар ошди, фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари улуши эса 215,7 мингга етди ёки рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90 фоизини ташкил қилди.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яхшилаш бўйича ҳам мақсадли ишлар амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитлар ҳажми ҳисобот даврида 191 миллиард сўмдан ортди. Бу 2001 йилда берилган кредитлар миқдоридан 1,2 марта кўп.

Халқаро молия институтлари, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Германиянинг КФВ банки ва бошқалар билан ҳамкорликни кенгайтириш туфайли кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун хорижий кредитлар линиялари очилиб, фаол ўзлаштирилмоқда.

2002 йилда хорижий кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қиймати 80 миллион АҚШ доллари атрофидаги лойиҳалари молиялаш учун қабул қилинди (2001 йилда 78,9 миллион АҚШ доллари).

Шу билан бирга, тадбиркорларга ишлаб чиқариш иншоотлари, ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган ускуналарни ажратиш ҳамда сотиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилаётир. Хусусан, 2002 йилда уларга лизинг ва ижарага 5,8 минг объект берилди ва умумий қиймати 5,8 миллиард сўмга тенг объектлар сотилди.

Бу борада мамлакатимиздаги биржалар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Ўтган йил мобайнида биржалар кичик ва ўрта бизнес субъектларига 187,3 миллиард сўмлик материал ҳамда хомашё сотди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари биржа савдолари орқали 123 миллиард сўмлик маҳсулот сотди. Шунга қарамай, бу соҳада ҳали муаммолар кўп. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз фаолиятини бошлаш имконини берадиган рўйхатга олишдан кейинги жараённи янада такомиллаштириш ва соддалаштириш талаб этилади.

Ишлаб чиқаришнинг муайян соҳасини танлаган тадбиркор ўз фаолиятини бошламасдан туриб, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларида 10 та босқич ва жараёндан ўтиши, 50 дан ортиқ хилдаги ҳужжат тайёрлаб, тақдим этиши кераклигини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу борада махсус ишчи гуруҳлари вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этган ҳолда жойларда тадбиркорларнинг рўйхатга олингандан кейинги даврдаги муаммоларини ўрганди, тегишли таклифларни ишлаб чиқди ва ушбу таклифлар асосида рўйхатга олишдан кейинги жараёнларни сезиларли даражада соддалаштириш бўйича аниқ таклифлар тайёрланди.

**– Бугунги кунда қўмитанинг яна қайси фаолият йўналишларига алоҳида эътибор қаратиляпти?**

– Яқин вақт ичида Давлат мулки қўмитаси акцияларнинг давлат пакетини танлов асосида профессионал бошқарув компанияларига босқичма-босқич топширишни бошлайди ва хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти мониторинги тизими жорий қилинади.

Акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари раислари ва ижро органлари раҳбарларининг корпоратив бошқаришнинг замонавий тизимини жорий қилиш борасида малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилади.

Шубҳасиз, Президентимизнинг Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан оширишга қаратилган Фармонида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз ҳамда тўлиқ бажариш Давлат мулки қўмитаси ва бозор инфратузилмаси ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

*ЎзА мухбири*
*Меҳри БОЛЛИЕВА*
*суҳбатлашди.*

## Ислоҳот довонлари

**«Оҳангароншифер» корхонасида йиллик ўсиш суръати 90 фоиздан ортиқ бўлди, кўрилган фойда 3,4 баравар кўпайди, рентабеллик 47,7 фоизни ташкил этди, ўртача иш ҳақи 76 минг 136 сўмга етди. Ҳар бир акцияга 2450 сўмдан дивиденд тўланди**

# КОРХОНА САЛОҲИЯТИ ЯНГИЧА ИШЛАШГА БОҒЛИҚ





Бу очиқ акциядорлик жамияти вилоятимиз бинокорлик ашёлари саноатида ўзининг алоҳида ўрнига эга. У ихтисослашиши бўйича республикамизда етакчи ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган шифер томларга ёпилғи сифатида ишлатилади ва ўзининг арзонлиги ҳамда қулайлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унинг харидорлари кўплаб топилади. Бундан ташқари, корхонада тайёрланаётган асбоцемент қувурлари ҳам ноёб маҳсулотдир. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган шиферларнинг 56 фоизи, босим қувурларининг тўқсон фоизи шу жамият жамоаси улушига тўғри келади.

Ишлаб чиқариши автоматлашган ва механизациялашган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона қувватидан тўла фойдаланиш йўлида жамоа олиб бораётган саъй-ҳаракатлар ўзининг салмоқли самарасини бермоқда.

Биргина ўтган йили жамоа амалдаги нархларда 14 миллиард 650 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлади. Режадагига қўшимча ишлаб чиқарилган шифер, асбоцемент қувурлари деярли 2,7 миллиард сўмликни ташкил этди. Топшириқ эса 123 фоиз қилиб адо этилди. Жамоа фаолиятининг бошқа қатор кўрсаткичлари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Чунончи, товар маҳсулотидан олинган фойда 4 миллиард 600 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Рентабеллик 27,9 фоиз ўрнига 47,7 фоизни ташкил этди. Бу муҳим кўрсаткич бўйича ўсиш олдинги йилдагига қараганда 2,3 баравар ортиқ бўлди.

Жамоа жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам иш суръатини муттасил оширяпти. Ойлик ишлаб чиқариш топшириқлари доим ошиғи билан уддаланяпти. Жумладан, асосий маҳсулот — шифер тайёрлаш режаси биринчи чоракда 102,8 фоиз қилиб адо этилди. Буюртмачиларга етказиб беришда эришилган натижа белгиланганига нисбатан 33,7 фоиз ортиқ бўлди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29,2 фоиз кўп демакдир.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, айниқса, уларнинг бозорбоп хилларини тайёрлашни ўзлаштириш йўлида тинмай изланиш олиб борилмоқда. Шу туфайли эндиликда уларнинг сони еттитага етди. Шиферларнинг икки, асбоцемент қувурларининг икки тури, шлакоблоклар, халқалар тайёрланмоқда. Ғишт ишлаб чиқаришда эса соҳада янги ҳисобланган усул жорий қилинди. Немислар технологияси асосида пишитилмаган шундай қурилиш ашёси чиқариляпти. Бу маҳсулотлар ўзларининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан юксак талабларга жавоб беради. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммаси сертификацияланган.

Жамиятнинг ҳозирги ишлаб чиқариш қуввати унда тайёрланаётган бинокорлик ашёларига нисбатан талабни тўла қондиролмайди. Эҳтиёж эса тўхтовсиз ортиб боряпти. Шунинг учун ҳам корхона маъмурияти маҳсулотни янада кўпайтириш йўлларини изламоқда. Ҳозиргача эса асосий эътибор барча бўлинмалар қувватидан иложи борича тўлароқ фойдаланишга қаратилмоқда. Мавжуд имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилиняпти. Асосий касб эгаларининг малакаси тўхтовсиз оширилмоқда. Айрим эскирган асбоб-ускуналар таъмирланмоқда ёки янгилари билан алмаштириляпти. Уларга техник қаров пухта ташкил этилган. Барча агрегатлар қатъий тузилган жадвал асосида профилактика текширувидан ўтаяпти. Бу айрим носозликларни вақтида бартараф этиш имконини беряпти.

Энг муҳими ишчи-хизматчилар ўзларининг корхона мулки эгаси эканликларини чуқур ҳис қиладиган бўлиб қолдилар. Уларнинг ҳаммаси зарур миқдорда жамият акцияларини сотиб олишган, ўз оилаларининг турмуш фаровонлиги бевосита меҳнатлари натижасига боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этмоқдалар. Шунинг учун вазифаларига ўта масъулият билан ёндошишяпти. Ишёқмаслик, лоқайдлик каби иллатлар умуман учрамайди. Ҳамма жойда меҳнат ва технология интизомига қатъий амал қилиш беистисно барча шиферчиларга хос хусусият бўлиб қолди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва биринчи навбатда бозор иқтисодиётининг асосий талаби унинг сифатини яхшилашга эришиш мақсадига қаратилган саъй-ҳаракатлар маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминламоқда. Корхонанинг республика, бошқа даражадаги кўргазмалар ва очиқ савдоларда муваффақиятли намойиш этилган маҳсулотлари энг юқори баҳоларни олишга сазовор бўлмоқда. Жаҳон саноатчилари уюшмасининг жамоа меҳнатини олтин медал билан тақдирлангани бунинг ёрқин исботидир.

Шундай юксак мукофотларга сазовор бўлган маҳсулотларнинг харидорлари кўп бўлади, албатта. Жамоанинг бундай мижозлари сони чет элларда ҳам ортиб боряпти. Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон доимий буюртмачилар бўлиб қолишган. Ўтган йили уларга етказиб берилган маҳсулот ҳажми пулга чаққанда 236 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Бу йил эса бундан анча кўп маҳсулотни экспорт қилиш назарда тутиляпти. Ҳозиргача 250 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб бериш юзасидан хорижий буюртмачилар билан шартномалар тузилган. Унинг янада ошиши кутилаяпти. Йилнинг биринчи чорагида 95 минг долларлик маҳсулот республикамиз ташқарисига жўнатилди. Апрель ойида бу кўрсаткич 34 минг долларни ташкил этди.

Бутун маҳорати, тажрибаси ва куч-ғайратини сарфлаб меҳнат қилаётган шиферчилар бундан катта моддий манфаат кўрмоқдалар. Кўрилаётган фойданинг каттагина қисми уларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланяпти. Салкам тўққиз юз кишини ўзида бирлаштирган байналмилал жамоанинг иш ҳақи жамғармаси кўпаймоқда. Биргина ўтган йили у 44,9 фоиз ортди. Шунга яраша ҳар бир ходимга тўланаётган маош миқдори ҳам кескин ошди. У бир йилда 41,3 фоиз ортиб, ўртача 76 минг 136 сўмга етди. Бундан ташқари, уларга йил давомида саломатликларини мустаҳкамлашлари ва шу каби бошқа мақсадлар учун, қишга сабзавотлар сотиб олиш учун кўрсатилган моддий ёрдамлар, байрам саналари муносабати билан бериладиган мукофотлар қўшилса, даромадлари янада кўпроқ бўлади.

Корхона ишчи-хизматчилари учун жамият акциялари яхшигина даромад манбаи бўлиб қолди. Уни харид қилганлар катта наф кўрмоқдалар. Ўтган хўжалик йили якунлари бўйича кўрилган фойданинг 40 фоизини, яъни 1 миллиард 528 миллион 286 минг сўм маблағ акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан дивиденд сифатида тўланадиган бўлди. У бир акцияга 2450 сўмдан тўғри келди. Вилоятимиздагина эмас, ҳатто, республикамизда ҳар бир акцияга шунчалик кўп дивиденд тўлайдиган жамиятлар камдан-кам топилса керак. Фидокорона ишлаб, мўмай даромад олаётган корхона жамоаси бундан буён ҳам ютуқларни янада мустаҳкамлаш, иш суръати ва сифатини ошириш, бу билан ўзларининг турмуш фаровонликларини яхшилашда юксак натижаларга эришишларига шак-шубҳа йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга пухта ҳозирлик кўрган ишчи-хизматчиларнинг айни кунлардаги ғайрат-шижоати шундай дейишга асос бўлади.

*Мирсобир*
*МИРҲАМИДОВ,*
*«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.*
*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

*СУРАТЛАРДА: (чапдан) шифер қолиплаш машинаси опеартори Умматали Ҳайдарқулов; корхона лабароториясида*

# АЛПОМИШ ЮРТИДА ФЕСТИВАЛ

*Сурхондарё вилоятида Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан «Бойсун баҳори» фольклор этнографик дасталарнинг II фестивали бўлиб ўтди.*

Унда турли шаҳар ва қишлоқлардан ташриф буюрган жамоалар халқимиз анъаналари мисолида урф-одатларимизни, маросимларимизни ўзига хос тарзда намойиш этдилар.

Ҳамюртимиз Паркент тумани Чотқол қишлоғида йилқичилик билан шуғулланувчи Жумабек Субанов халқ оғзаки ижодидан намуналар куйлаб, бахши ва оқинлар орасидаги курикда «Энг яхши ижрочи» мукофотининг соҳиби ҳамда Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлди.

*Гўзал СОЛИЖОНОВА.*

# Гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро анжуман

***Франция пойтахти Парижда гиёҳванд моддаларнинг Марказий Осиёдан Европага оқимига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.***

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бюроси ҳомийлигида ташкил этилган тадбирда 55 давлатдан вакиллар иштирок этди. Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Европа Иттифоқи комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Интерпол ва Европол каби 13 ташкилотдан ҳам делегациялар қатнашди.

Анжуманда толиблар тузумининг ағдарилишига қарамай, Афғонистондаги аҳвол барқарорликдан ҳали йироқлиги, минтақа ва жаҳондаги барча мамлакатлар тинчлигига раҳна солаётгани, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний олди-сотдиси сусаймаётгани таъкидланди. Бу масалани 1-3 июнь кунлари Эвианада ўтказиладиган "Катта саккизлик" мамлакатлари саммитида ҳам муҳокама этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари, божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев ўз маърузасида мамлакатимиз ҳукуматининг гиёҳванд моддалар ғайриқонуний савдосига қарши амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлари тўғрисида атрофлича маълумот берди. Жумладан, Ўзбекистон чегара ҳудудлари орқали Афғонистондан Европага ва Шимолий Америка давлатларига катта миқдордаги гиёҳвандлик воситалари олиб ўтиш учун қилинган ҳаракатларнинг олди олинганини қайд этди.

*(ЎзА).*

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

*88-МОДДА*
*Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, хибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган мажбурий жазога тортилиши мумкин эмас.*

Дунёнинг барча мамлакатларида депутат мақоми ёки депутат ҳуқуқий ҳолатининг муҳим элементи депутат дахлсизлигидир. Унинг дахлсизлиги шуни билдирадики, депутат парламент розилигисиз суд томонидан ёки бошқа юридик жазога (қамоқ, жарима ва ҳ.к) тортилиши мумкин эмас. Қоидага кўра, депутат жиноят содир этган ва жиноят содир бўлган жойда ушланган ҳоллар бундан мустасно.

Депутат дахлсизлиги (иммунитети) жиноий ва маъмурий қонунчилик соҳасига татбиқ этилади. Бу ҳодисанинг бош мазмуни — агар депутатнинг бирор фаолияти давлат органларига ёқмаса, уни ушбу органларнинг эҳтимол тутилган таъқибидан ҳимоя қилишдан иборат. Халқ сайлаб қўйган шахс сифатида депутат алоҳида муҳофаза қилинади.

Олий Мажлис мустақил фаолият кўрсатишининг муҳим кафолати — депутатларнинг дахлсизлигидир (депутат дахлсизлиги). Унинг мазмуни Олий Мажлис депутатларини жиноий таъқибдан озод қилишдир. Бу депутатларни уларга давлат органлари ёки хусусий шахслар томонидан бажариладиган, депутатларни меъёрида ишлашдан маҳрум қиладиган ёки чеклаб қўядиган асоссиз таъқиблардан ҳимоя қилиш имконини беради.

Олий Мажлис депутати фақат Олий Мажлис рухсати билан, сессия оралиғидаги вақт давомида эса Олий Мажлис Кенгаши рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан жавобгарликка тортилиши мумкин. Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ўзбекистон халқи Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа вакиллик органларига бевосита ўз вакиллари — депутатларни сайлайди. Бу идораларда фаолият юритувчи депутатлар халқнинг ваколатли мухтор вакиллари ҳисобланади. Депутат тегишли ҳокимият органида, аввало, уни сайлаган халқнинг, шунингдек, ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг манфаатларини ҳимоя этади.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, парламент депутатлари ҳам ўз сайловчилари манфаатини, ҳам бутун халқ манфаатини акс эттирадилар, халқ иродасини ифодаловчи қонунлар қабул қиладилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқ депутатлари ҳуқуқий мақомининг конституциявий асослари мустаҳкамланган.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми — унинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларининг бир бутун мажмуидир.

Депутатлик дахлсизлиги депутатларнинг бутун ваколат муддати мобайнида амалда бўлиб, бу муддат тугагандан сўнг унинг амал қилиши тўхтайди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунга биноан, сессиялар оралиғидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш масалаларини ҳам кўриб чиқади.

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда (1995 йил 6 май) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Регламенти, Жўқорғи Кенгеснинг Регламенти, вакиллик органлари, қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низомларда ҳам депутатларнинг ҳуқуқий мақомига оид қоидалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида депутат одоб-ахлоқ қоидаларига ҳам қатъий риоя қилиши лозим. Депутатнинг ўз мақомидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, «депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакиллик органи ёки комиссия томонидан кўриб чиқилиши мумкин».

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси депутатларининг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.




Бу қонунга мувофиқ:

1) депутат ўз ваколатини зиммасидан соқит қилган;

2) қонунга кўра, депутатлик ваколатини бажаришга номувофиқ лавозимга сайланган ёки тайинланган, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган;

3) суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган;

4) депутатликдан чақириб олинган;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган, вафот этган тақдирда, унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилади.

Бундан ташқари, баъзи бир ҳолларда Олий Мажлис депутатининг ваколати Олий Мажлис қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Унинг депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвори бунга сабаб бўлиши мумкин.

Депутатни чақириб олиш зарурлиги масаласи сайловчиларнинг йиғилишлари ёки уларнинг вакиллари йиғилишларида муҳокама қилинади. Олий Мажлис депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклифни округда қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг сони сайлов куни рўйхатга киритилган, сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши керак.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш тартиби юқорида кўрсатилган қонуннинг 5-6-моддаларида кўрсатилган, депутатни чақириб олиш учун эса маҳаллий кенгашлар округ сайлов комиссиялари орқали амалга оширилади.

Чақириб олинаётган депутатнинг ҳуқуқлари ҳам қонун билан кафолатланган. Депутатни чақириб олиш юзасидан овоз бериш яширин бўлиб, депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига мувофиқ ўтказилади. Овоз бериш чоғида, башарти, сайловчи депутатнинг ваколатлари сақлаб қолинишига тарафдор бўлса, депутатнинг фамилиясини ўчирмайди, агар депутат чақириб олинишини ёқлаб овоз берса, депутатнинг фамилиясини ўчиради.

Овоз бериш натижаларини аниқлашда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари қайд этилган пайтдан эътиборан унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган ҳисобланади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

Қонун ва ижро

# ҲАР БИР МАСАЛА МУҲИМ

*«Обод маҳалла йили» муносабати билан вилоятимизда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ҳудудларнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, жамоат жойларининг тозалигини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида ишловчиларни муҳофазалаш борасида ҳам қатъий талаблар қўйилган. Табиийки, бу соҳада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Вилоятимизнинг бир қатор мутасадди ташкилотлари қаторида Давлат санитария-эпидемиология марказининг ходимлари ҳам бу вазифаларни амалга оширишда қизғин иштирок этмоқдалар. Бизнинг вилоят бош давлат санитария врачи Маҳмуджон ЎЛМАСОВ билан суҳбатимиз шу хусусда борди.*

**— Вилоятимизда бу хизматнинг ҳозирги ҳолати қандай тавсифланади?**

— Маълумки, вилоятимизда санитария-эпидемиологик хотиржамликни таъминлашнинг яхлит, изчил тизими ҳаракат қилмоқда. Вилоят, унинг шаҳар ва туманларида 21 та санитария-эпидемиология марказлари фаолият кўрсатаётир. Муайян йўналишлар бўйича лабораторияларимиз тобора мукаммал жиҳозланиб бормоқда. Лекин, бу тизим ва техник воситаларга фақат малакали мутахассислар, изчил амалий бошқарувгина «жон» бағишлайди. Шу жиҳатдан қараганда, вилоят санитария-эпидемиология хизматида амалда кучли, ўз касбини пухта эгаллаган, бурчга садоқатли ходимлар меҳнат қилишмоқда. Улар, айтиш жоизки, кеча-кундуз хизматда.

**— Кейинги йилларда бу соҳага оид қатор муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси қандай таъминланмоқда?**

— Давлат санитария-эпидемиология хизмати самарадорлигининг ошиши, дарҳақиқат, унинг ҳуқуқий-қонунчилик асослари нечоғли мустаҳкамлиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда мустақиллик йилларида кўп иш қилинди. Унинг дастлабки босқичидаёқ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўзидаёқ алоҳида маъно бор. Унга кўра, бу хизмат ходимлари зиммасига аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли ва касб касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш, атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтириш каби вазифалар юклатилган. Эпидемиологик хотиржамликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Булардан ташқари, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун, ҳукуматнинг чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилишни кучайтириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги ва бошқа қарорларида, вилоятимиз ҳокимининг қатор қарор ва фармойишларида санитария-эпидемиология марказлари олдига ниҳоятда масъулиятли вазифалар қўйилди.

Биз жорий ва истиқболли саъй-ҳаракатларимизда ана шу вазифалардан келиб чиқмоқдамиз. Бугунги кунда 19706 та халқ хўжалик объекти устидан давлат санитария назорати амалга оширилаётир. Бу жараённинг 70 фоиздан ортиқ қисми лаборатория усулидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда.

Бу ишлар кўламини тасаввур этиш учун шуни айтиш кифояки, кейинги бир йилда 81 мингдан зиёд намуна кимёвий, 303 мингдан зиёд намуна бактериологик таҳлилдан ўтказилди. Кимёвий таҳлилга олинган намуналарнинг 11,2, бактериологик таҳлилга олинган намуналарнинг 6,1 фоизи санитария меъёрларига жавоб бермаслиги аниқланди. Санитария қонун-қоидаларини бузган 4757 шахсдан давлат бюджетига маълум миқдорда жарима ундирилди. Санитария талабларига жавоб бермаган 1491 та объектнинг фаолияти вақтинча тўхтатилиб, мутаносиблик даражасини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари кўрилди. 282 ҳолат юзасидан материаллар тергов идораларига топширилди.

**— Иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотлар туфайли вилоятимизда тадбиркорлик тобора авж олиб, кичик, ўрта, хусусий ва қўшма корхоналар тармоғи кенгайиб бораётганлигига гувоҳмиз. Табиийки, бу жараён бир текис кетмаётир. Баъзан тушунмовчиликлар, айрим ҳолларда била туриб қонун бузилишлари учраб турибди. Шу хусусда нима дея оласиз?**

— Тўғри, хилма-хил мулкчилик шаклига мансуб катта-кичик корхоналар, фирмалар, хизмат соҳалари пайдо бўлмоқда, тадбиркорлик кенгаймоқда. Бу яхши, албатта. Лекин, ташвишланарли жиҳат шундан иборатки, гоҳо ишбилармон ва тадбиркорларимиз тезроқ, кўпроқ олинадиган фойда ортидан қувиб, тегишли технологиялардан четга чиқишга, гоҳида соғлик учун зарарли вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймоқдалар. Санитария-эпидемиология марказларимиз ходимлари ўтган йили 10 минг 26 та корхона, фирма ва ташкилотда санитария текширувлари ўтказишди. Уларнинг 97 фоизида у ёки бу камчилик юз бераётганлиги аниқланди. Шу йилнинг биринчи чорагидаги текширишларнинг 95 фоизида ҳам муайян муаммо, ойдинлаштирилди.

Кўриниб турибдики, санитария-эпидемиологик вазиятни соғломлаштириш ниҳоятда огоҳликни, чуқур масъулиятни талаб қилади. Бу ишда қонун ва меъёрий талаблардан бирозгина бўлса ҳам чекиниш аҳоли саломатлиги, ҳаёт хавфсизлиги учун тузатиб бўлмайдиган асоратлар келтириб чиқариши мумкин.

Ходимларимиз аҳоли ўртасида олиб бораётган ташвиқот-тушунтириш, тиббий-маърифий ишларнинг аҳамиятини таъкидламоқчиман. Бу йўналишда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказиш, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувлари, вақтли матбуот саҳифалари орқали тушунтиришлар беришни кучайтиряпмиз.

Лекин, назорат фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида вилоят давлат санитария-эпидемиология марказида махсус бўлим ташкил этилди. Энди хориждан олиб келинаётган ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати лаборатория таҳлилидан ўтказилиб, сертификатланаётир. Жорий йилнинг ўзида 1093 та озиқ-овқат намунасига шу йўл билан сертификат берилди. Бу борада вилоятимиз божхона бошқармаси билан ҳамкорлигимиз тобора амалий тус оляпти.

Шу ўринда мен яна бир масалага алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Олдинда — ёз. Шу боис жойларда озодагарчилик, санитария талабларига риоя қилиниши масаласи яна ҳам жиддий тус олмоқда. Нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла оқсоқолларидан тортиб,барча назорат идораларининг саъй-ҳаракатлари мувофиқлаштирилиши керак. Табиийки, бу чора-тадбирлар аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

**– Кейинги пайтда ғайритабиий зотилжам хавфи дунёнинг қатор мамлакатларида тобора ташвишли тус олаётир. Бу борада амалга оширилаётган тадбирларга ҳам тўхталсангиз.**

– Дунё жадал ривожланиб бормоқда. Афсуски ана шундай шароитда ҳам инсоният янги-янги касалликларга чалиниш хавфидан ишончли ҳимояланмаганлиги маълум бўлмоқда. Ғайритабиий зотилжамнинг тарқалиш ҳолати бунга яққол мисолдир. Шуни ҳисобга олиб, вилоят санитария-эпидемиология хизмати ҳамиша фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриб келяпти. Шу мақсадда давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан 13 та санитария назорат пости ташкил этилди. Ҳозирда Бекобод шаҳрида битта, Чиноз туманида иккита, Тошкент туманида олтита, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Янгийўл туманларида биттадан шундай постлар фаолият кўрсатиб турибди. Уларда бир йилда 51 мингга яқин автотранспорт воситалари дезинфекция қилинди, 340 мингдан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли чегарадош ҳудудлардан вилоятимизга ўта ҳавфли карантин касалликлари кириб келишига йўл қўйилмади.

**— Маълумки, санитария-гигиена тадбирлари мажмуасида хонадонлар, маҳаллалар ва иш жойларидаги озодагарчилик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг салмоғи ортди...**

— Йилимизга «Обод маҳалла йили» деб ном берилганлиги боис бу жиҳатнинг аҳамияти яна ҳам ошди. Вазирлар Маҳкамасининг «Санитария-эпидемиология вазиятини янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши, вилоят ҳокимининг аҳоли яшаш жойларида ободонлаштиришни олиб боришни тўғри ташкил этиш тўғрисидаги қарори олдимизда турган вазифаларни оғишмай амалга оширишга бўлган талабни кучайтирди. Бу масала юзасидан Зангиота, Тошкент, Янгийўл туманлари ва Янгийўл шаҳрида рейд текширувлари ўтказилди.

Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари корхона, ташкилотлар, маҳаллалар, таълим, даволаш-профилактика муассасалари ва хонадонларда озодагарчилик, санитария талабларига риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказиб, тегишли тавсияномалар бермоқда.

Вазифаларимиз кўлами ниҳоятда кенг. Ходимларимиз бундан буён ҳам ўз иш жойларида зийрак туриб, санитария-эпидемиологик вазиятни янада соғломлаштириш, аҳолининг ҳаёти хавфсизлигини ишончли таъминлаш чораларини кўраверадилар.

***Суҳбатдош Жўрабек МУРОДОВ.***

Ислоҳот

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ЯНГИЧА БОСҚИЧДА

*Мустақил Ўзбекистонда давлат, ҳуқуқий ислоҳотлар қаторида, давлат фаолиятига чуқур назар ташлаш, унинг идораларини ислоҳ қилиш ва янги, демократик андозаларга мослаштириш йўлида улкан саъй-ҳаракатлар бошланди.*

Мустақилликка эришган пайтимиздан бошлаб, собиқ мустабид тузумдан қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган давлат идораларини йўқотиб, уларни сифат жиҳатдан янги — бозор иқтисодиёти муносабатларига мослаш, бошқарувнинг содда ва ишчан бўлишини таъминлаш борасида кўп босқичли ислоҳотлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат парламенти мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётига дахлдор бўлган қонунларни қабул қилди. Президентимиз бошчилигидаги ижро этувчи ҳокимият қабул қилинган қонунларни ҳаётга жорий этиш бўйича қатъият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясидаги «Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» маърузасида илгари сурилган ғоялар Ўзбекистон давлат қурилишида бутунлай янгича мезонларга асос солди.

Унда Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалани кўтарди.

Аввало, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади. Бунда қонунчилик ҳокимиятининг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортади.

***Мираҳмад ҲАМДАМОВ,***
***Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг магистранти.***

# СОҲИЛ ЧОРЛАЙДИ





Паркент туманининг сўлим Чанги қишлоғида оталар чойхонаси қуриб фойдаланишга топширилди. Замонавий, ўзига хос қиёфада қурилган бу бино «Чанги» ширкат хўжалиги ташаббуси билан барпо этилди. Унда бундан буён қишлоқ аҳли бемалол ҳордиқ чиқариб, турли маросимларни нишонлайдилар. Ҳар йили «Хотира ва қадрлаш куни»да туман фахрийларига шу ерда дастурхон ёзилиб, ош тортилади. Шунингдек, чойхона ёнига кейинчалик маиший хизмат кўрсатиш уйларини қуриш ҳам режалаштирилди.

*СУРАТЛАРДА: чойхонанинг умумий кўриниши; қишлоқ фахрийлари дастурхон атрофида.*

***Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган суратлар.***

Мутахассислар маслаҳат беради

# КОЛОРАДО ҚЎНҒИЗИДАН САҚЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

*Картошкадан мўл ҳосил олишнинг асосий шарти керакли миқдорда ўғит бериб, вақтида кондириб суғориш ва сифатли ишлов беришдир. Аммо, кейинги йилларда бу экинни колорадо қўнғизидан сақлаш ҳам энг зарур тадбирлардан бирига айланиб қолди. Маълумки, бу ҳашарот учун картошка, бақлажон, қора итузум, шулар оиласига мансуб бошқа ўсимликлар, бангидевона асосий озуқа ҳисобланади.*

Колорадо қўнғизи асосан картошка экилган далаларда 15-20 сантиметр чуқурликда қишлайди ва баҳорда ўртача ҳаво ҳарорати 17-18 даража илиқ бўлганда уйғона бошлайди. Бу жараён бир ой (май ойининг охири)гача давом этади. Аммо, баъзи қўнғизлар 40-60 кундан кейин ҳам жонланмаслиги мумкин. Қўнғизларга қарши курашда улардаги бу хусусиятни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Айтганимиздек, қўнғизлар эртаки картошка пайкалларида ёки итузум, бангидевона ва бошқа ўсимликларда тўпланади. Улар кунига 500 метргача масофага учиб бориши мумкин. Улар урчигандан сўнг 3-4 кун ўтгач, тухум қўя бошлайди. Тухумни баргнинг остки томонига тўп-тўп қилиб, 30-40, баъзан 100 тагача қўяди. Битта қўнғиз ўрта ҳисобда 500 тадан 1800 тагача тухум қўйиши мумкин. У текислик минтақаларида 4 марта, тоғлик ва тоғолди минтақаларда уч марта авлод қолдиради. Бир авлоднинг ўтиши учун тоғолди ҳудудларда 30-38 кун, текислик жойларида 26-46 кун керак бўлади.

Баҳорги картошкаларга колорадо ҳашаротининг қўнғизлари ва биринчи авлод қуртлари катта зарар етказади. Бунда битта ўсимликда 20-25 та қурт озиқланиб, ривожланса, ҳосилдорлик 60-70 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ камайиши мумкин.

Колорадо қўнғизларининг жуда тез кўпайиб, кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда унга қарши қуйидаги кимёвий дориларни қўллаш тавсия этилади. Гектарига Нурелл-Д дорисидан 0,7 литр, Каратэдан 0,15 литр, Карбафосдан 1,5-2 литр сарфланади. Ушбу дориларни қўллашда ишлатиладиган техниканинг созлигига ва сифатли сепилишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Аммо кимёвий дориларнинг етишмаслиги, уларнинг қимматлиги ва атроф-муҳитга зарар етказишини ҳисобга олиб, агротехник тадбирларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ҳашаротнинг миқдори ва келтирадиган зарарини камайтириш учун картошка ҳосилини кавлаб олишдан аввал унинг пояларини ўриб олиб, куйдириб, кўмиш лозим. Шундай қилинса, картошкадан озиқланиб, ривожланаётган ҳашаротнинг қўнғизлари ва тухумларининг маълум қисми йўқотилади.

***С. АЛИМУҲАМЕДОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси энтомологлар жамиятининг раиси.***
***Ж. ШАРИПОВ,***
***Тошкент вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик бирлашмаси раиси.***


## «KOMSAR» ОАЖ

**акциядорларининг 2002 йил якуни бўйича умумий йиғилиши**
**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2002 йил якуни бўйича ҳисобот.
2. 2002 йил якуни бўйича бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. 2002 йил якуни бўйича аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш.
4. 2003 йилда ўтказиладиган аудиторлик текшируви бўйича аудиторни танлаш ва аудитор хизматларига ҳақ тўлаш.
5. 2002 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш.
6. Жамиятнинг Устав жамғармасини ошириш ва эркин савдога қўшимча акциялар чиқариш.
7. Жамият Низомига ўзгартиришлар киритиш.
8. Бошқа масалалар.

**«KOMSAR» ОАЖнинг 2003 йил 1 январь ҳолатига баланси**

| | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| Асосий маблағлар | 469166,8 | |
| Қисқа муддатли қўйилмалар | 430,8 | |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 89161,6 | |
| Пул маблағлари | 2587,8 | |
| Дебиторлар | 5492,1 | |
| Устав капитали | | 90000,0 |
| Қўшилган капитал | | 326,7 |
| Эҳтиёт капитали | | 307924 |
| Тақсимланмаган фойда | | 65401 |
| Кредиторлар | | 162048,3 |
| ЖАМИ: | 566839,1 | 566839,1 |

**Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот**

| | |
|---|---|
| Сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар | — 170701,21 минг сўм |
| Ишлаб чиқариш таннархи | — 175157,3 минг сўм |
| Сотишдан олинган молиявий натижа | — 188263,8 минг сўм |
| Ҳисобот давридаги харажатлар | — 33527,4 минг сўм |
| Фойдадан солиқ тўлашгача бўлган фойда | — 9784,41 минг сўм |
| Фойдадан тўланган солиқ | — 3842,71 минг сўм |
| Ижтимоий инфратузилмага тўланган солиқ | — 457,33 минг сўм |
| Соф фойда | — 5484,37 минг сўм |

*«Audit II» аудиторлик фирмасига ЎзР Молия Вазирлиги томонидан 2001 йил 5 июлда 00103-сонли лицензия берилган.*

## ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

*Тошкентдаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида “Халк амалий санъати” фестивали ўтказилди.*



– Заминда яшайдиган ҳар бир эл-элат ўзига хос анъана ва удумларга эга, – деди республика “Ҳунарманд” уюшмаси раиси Намоз Облоқулов “Туркистон-пресс” мухбирига. – Лекин дунёда миллий ҳунармандчилик санъати билан мақтана оладиган халқлар саноқли. Ўзбек халқи уларнинг орасида энг етакчи ўринни эгаллайди, десак муболаға бўлмайди. Акс ҳолда миллий ҳунармандчилигимизга дунё аҳли бу қадар ҳавас ва ҳайрат билан қарамаган бўларди.

Фестивалда Хоразм, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа вилоятлардан келган ҳунармандлар ўзларининг бир-биридан гўзал маҳсулотлари ва миллий кийимлари билан қатнашишди. Шунингдек, Қирғизистон ва қозоғистонлик усталар ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Ҳар бир ҳунарманднинг маҳсулоти ўзининг жозибаси ва меҳр билан ишланганлиги балан ажралиб турибди. Ҳунармандларнинг маҳсулотини кўздан кечирган ҳар бир киши унинг нақадар машаққат билан ишланганлигини англайди.

***«Туркистон-пресс».***

2003 йил — Обод маҳалла йили

# «КЎРКАМ» ҒОЛИБ БЎЛДИ

*Урф-одатларимизни тарғиб қилиш, кадриятларимизни ардоқлаш, аввало, маданиятимиз. маънавиятимиз ва маърифатимиз ҳомийларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу жиҳатдан олиб караганда, Оҳангарон туманидаги Телов қишлоғида «Озод Ватаннинг обод маҳалласи» шиори остида ўтган кўрик-танлов фикримизга далил бўла олади.*

Ғоятда қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган бу танловда Телов қишлоғининг «Кўркам» ҳамда Сусам қишлоғининг «Янгибозор» гуруҳлари маҳалла тарихи, таниқли кишилар ҳаёти, миллий анъаналар, удумлар ҳамда муаммолар мавзуларини саҳна кўринишларида намойиш этдилар. Бу босқичда Телов қишлоғининг «Кўркам» гуруҳи ғолиб деб топилди.

Танлов ҳомийлари, туман ҳокимлиги, маданият ишлари бўлими ҳамда «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари бўлимларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган бундай тадбирлар туманнинг Қорахтой-Бирлик, Увак-Қурама, Озодлик-Дўстлик қишлоқлари гуруҳлари орасида ҳам ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, якуний босқич ғолиблари тадбир ҳомийларининг эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ.***

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# «ЁДГОР» — КИНО ЭКРАНИДА

*Мамлакатимиз кино ижодкорлари ёшларимиз тафаккури, дунёқараши, қизиқишига монанд фильмлар яратмоқдалар. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида "Осмондаги болалар", "Нотаниш полвон", "Ўртоқ Бойкенжаев" каби фильмларнинг премьераси муваффақиятли ўтди.*

"Ўзбеккино" давлат акциядорлик компанияси 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига ўзига хос туҳфа ҳозирлади. Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб компания ҳузуридаги Ёшлар тажриба ижодий студияси адибнинг "Ёдгор" қиссасини экранлаштирди. Мазкур видеофильмнинг премьераси 1 июнь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтади.

– Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни "Ёдгор" фильмининг премьераси бўлади. Шундан кейин фильм пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги кам таъминланган, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига хайрия тарзида намойиш этилади, – дейди кино саройи директори Обиджон Холиқов. – Янги кино премьераси бир ой давом этади.

Фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Ҳилол Насимов, бош оператори – Ҳотам Файзиев. Асосий ролларни Алишер Ҳамроев, Камола Умархўжаева, Раъно Зокирова, Ўктам Луқмонова ижро этган.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Буни ҳаёт дейдилар

# БЎШЛИҚ





Вақт ярим кечадан ошган бўлса ҳам, Шуҳратдан дарак йўқ. Нилуфарнинг юраги безовта. Шунақа тўй ёки ўтиришларга борса, ширакайф қайтган эри жанжал чиқаришга одатланган. Ҳаммасига фарзандсизлик сабаб.

Шуҳрат билан Нилуфар бир институтда ўқишарди. Бирбирларини синаб, билиб, севиб қолишган. Шуҳрат ўзига тўқ, бадастур оиланинг эрка ўғли эди. Нилуфар чиройли, одобли, оғир вазмин қиз эди. У «қадамидан ўт чақнайдиган», ўктам бу йигитни ёқтирарди. Икки курс юқорида ўқийдиган Шуҳрат институтдаги тадбирларни ўтказишда бош-қош эди. Шундай байрамларнинг бирида сўнг, у Нилуфарни кузатиб қўймоқчи бўлди. Ўша куни иккала ёш эҳтиросларга берилиб, катта хатога йўл қўйдилар. Бу хатони тузатиб бўлмасди.

— Агар дадам билсалар... — деди Нилуфар томоғига бир нарса тиқилиб. Дадаси такси ҳайдайди. Чапани, бир сўзли киши. — Нақ сўйиб ташлайдилар.

Нилуфар сиқилиб, адои тамом бўлди.

— Менга қара, болани олдириб ташлайсан. Қўрқма, сени яхши кўраман, сенга уйланаман. Лекин, ота-онам воқеадан хабардор бўлишса, сенга уйланишимга рози бўлишмайди. Бу сир умрбод иккаламизнинг орамизда қолади, — деди Шуҳрат.

Нилуфарнинг кўнишдан бошқа иложи қолмаганди. Докторлар «бошқа фарзанд кўрмаслигингиз мумкин», деб огоҳлантиришди. Лекин Шуҳрат уларни ҳам кўндирди...

Шуҳрат институтни тугатган йили уларнинг тўйлари бўлди. Оилалари жуда аҳил, икки қуда томон ҳам бир-бирларига мос тушди. Нилуфар маҳалланинг энг яхши келинларидан: чаққон, хушмуомала, пазанда. Аммо...

Аммо, мана, тўққиз йилдирки, тирноққа зор. Кўрсатмаган доктори, ётмаган шифохонаси, бормаган табиби қолмади. Аввалига, Шуҳрат акаси ўзини тутиб, ичидан кечаётганини билдирмай юрди. Лекин йиллар ўтган сари унга бўлган муносабати, муомаласи ўзгариб бораяпти. Бўлиб ўтган ишларда иккиси баб-баробар айбдор бўлсалар-да, Нилуфарнинг тили қисиқ. Юраги куйиб ёнса ҳам ташига чиқаролмайди. Шу туфайли ҳам йилдан йилга сўлиб бораяпти. Ҳатто, «бола асраб олайлик», деб айтишга ботинолмайди. Бу ўзини-ўзи инкор қилиш деганику, ахир.

Дарвозанинг бесўнақай тақиллаши Нилуфарнинг хаёлларини тарқатиб юборди. Югуриб бориб эшикни очди. Шуҳрат акаси мастлигидан оёғида зўрға турарди.

— Дўстим ўғил тўйи қилди, — деди йиғламсираб. — Менчи, мен қачон тўй қиламан, Нилу? Ким билан сўзлашмай, данғиллама уйимни, миниб юрган машинамни эмас, бола-чақамни сўрайди. Қачонгача шундай юраман, қачонгача...

Нилуфар унсиз йиғларди. Шуҳрат акаси иккови хато қилишди. Уни тузатаман деб янада каттароқ хатога қўл уришди. Ҳар қандай гуноҳ иш жавобсиз қолмас экан. Шуҳрат билан Нилуфарнинг ўртасида тубсиз бир бўшлиқ бор. Фақат болалар тўлдириб турадиган бу бўшлиқни дунё бойликларининг ҳеч бири билан қоплаб бўлмас экан.

— Ҳаётга енгил қаровчи айрим ёшлар бизнинг хатоларимизни такрорламасинлар, — дейди Нилуфар. — Зеро, ҳеч кимнинг турмушида бўшлиқ бўлмасин. Ҳар кимнинг хонадонида болаларнинг кулгуси янграб турсин.

***Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.***

Шундан кейин...

## ЙЎЛ ЎРТАСИ — ЧЕГАРА

Буни қарангки, битта Халупки — Сильховице қишлоғи икки давлатга қарайди. Лекин, чегара чизиғи оралиқдаги шоҳкўчанинг қоқ ўртасидан ўтади. Уёғи Польша, буёғи Чехия. Қатор деҳқонларнинг ерлари кўчанинг у томони ёки бу томонида. Қўл узатса етадиган ерларни ҳайдаш учун қишлоқдан бир неча километр узоқликдаги чегара маҳкамасига бориш ва ҳорижга чиқиш учун ҳужжат расмийлаштирилиши шарт. Кейин эса «ватани»га қайтиш қоғозлари тўлдирилади.

Ё, алҳазар! Яқинда Польшада ўтказилган «Кўриниб турган бемаънилик» танловида юқорида айтилган жойнинг маҳаллий чегарачилари махсус «сергаклик» мукофоти билан тақдирландилар.

## «ҚАҲРАМОН» ҲАЙВОНЛАР

Австралияда ғалати ҳайкал ўрнатишга тараддуд кўрилмоқда. Гап шундаки, унинг «қаҳрамонлари» мамлакат ҳудудида кечган урушларда ҳалокатга учраган уй ҳайвонлари бўлади. Хусусан, уловда ишлатилган отлар, хачирлар, туялар, хат-хабарлар ташиган ва кимёвий қуроллар қўлланишидан огоҳлантирган кабутарлар, миналар излаган ва душманларни тутишда қатнашган итлар ҳайкаллар сифатида тасвирланади. Айни пайтда мазкур ишнинг лойиҳасини тайёрлаётган ҳайвонларни муҳофаза қилиш қироллик жамияти мазкур тадбирга 340 минг Австралия доллари (244 минг АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратди, деб ёзди «Газета-РУ» рўзномаси.

## БОШИНГГА БАЛЛИ, ЖОН!



Шимолий Ирландиянинг Антрим шаҳрида Жон Эванс деган полвонни жуда яхши билишади. Чунки, у бошида нарса кўтариш билан машҳур бўлди. Икки йил муқаддам у сут шишалари солинадиган, ҳар бири 1,56 кг. келадиган 95 та яшчикни бошида 10 сония кўтариб туришга муваффақ бўлган эди. Шундан кейин ҳам Ж. Эванс тинчимади. Яқинда у 159,6 кг. оғирликдаги бўш машинани бошида 33 сония ғоз кўтариб турди. Британияда чиқадиган «Сан» газетасининг ёзишича, бўйни йўғон полвон эндиликда машина ичига гўзал хонимчани ўтказиб қўйиш ва шу вазндаги юкни кўтаришга тайёрланмоқда.

## БОРСА, КЕЛМАС

Кениянинг Рудольфа кўлида Энвантенат номли оролча бор. Бу ном маҳаллий Эльмоло тилида «Борса, келмас» деган маънони англатади. Бу от 1935 йилда рўй берган воқеадан сўнг оммалашган эди. Чунки, инглиз тадқиқотчиси Вивиан Фуш икки нафар ҳамкасби Мартин Шефлис ва Билл Дайсон билан айтилган оролчага жўнашиб, 15 кун йўқ бўлиб кетадилар. Қидирув ишлари бошланади. Аммо олимларнинг изи топилмайди. Икки кун давомида самолётда учиш ҳам натижа бермайди. Лоинглани кўрғончасига кема юборилади. Аммо, у ҳам бир кўриниб, бир кўринмай уч кунда орқага қайтиб келади. Лекин, унинг ичидаги одамлар эсини йўқотиб, овсар бўлиб қолган эдилар.

Ҳозир ҳам юқоридаги жойни одамлар билишади. Бироқ у ерга қадам ранжида қилишга ҳеч ким ботина олмайди. Кимсасиз ушбу оролчани аҳоли «қарғиш теккан жой» деб атайдилар. Борса келмасликнинг сири эса ҳамон ойдинлашганича йўқ.

Тошкент шаҳридаги 5-Бизнес мактаб томонидан 1998 йилда Роганова Людмила Николаевна номига берилган 080987 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сиз нима дейсиз?

# «ХУСУСИЙ МУЛК»

Сатторқул тадбиркор бўлиш ҳаракатига тушди. Юқори раҳбариятдагиларнинг бирини ака, бирини ука, деб зарур ҳужжатларни тайёрлаб, қўлига «Хусусий тадбиркор» деган гувоҳнома олди.

Бажарадиган иши айтарли қийин эмас. Бозорда нима кўп деҳқону тижоратчи, тадбиркор кўп. Улар куни билан савдо-сотиқ қилишадида, қоронғи тушганда юкларини олиб кетишга эриниб, Сатторқулнинг «ишхонаси»га ташлаб кетишади. Ана шунда Сатторқул «хусусий мулк» эгаларининг жонига оро киради. Қолдирган юкларини «кечаси» билан «қўриқлаб» чиқади.

Ишлар юришиб кетди. Сатторқулга юкхона тадбиркорлигидан «даромад» келгандан келаверди. Бу ҳолат унинг нафсини ҳаккалак оттириб юборди. Жиянини ўрнига юкхона «мудири» қилиб «тайинлади-да», бошқа яна бир тадбиркорлик ишининг бошидан тутишга чоғланди. Тоғасига ўхшамаган жиян — жиянми?! Раймқулмисан, Раймқул деб югурувчилар кўпайиб қолди.

Иш бўлгандан кейин онда-сонда «ҳархашаси» ҳам бўлади. Нафс ўлгур нималарга бошламайди дейсиз! Кунларнинг бирида Раймқул бир деҳқон билан муроса қилолмай қолди.

— Ака, бугундан бошлаб юкларингизни шу ерга қўядиган бўлсангиз, ойига тўрт минг беш юз сўм тўлайсиз, — деди жиян.

— Нега энди? Нарх-наво ошдими? — сўради ҳақ тўловлари кун сайин ортиб бораётганидан асаби бузилган деҳқон.

— Хоҳласангиз шу. Бўлмаса, бошқа ердан жой ахтаринг, — жавоб қилди Раймқул.

— Укам, сен ҳам тушунгин-да, сотаётган маҳсулотим рўзғоримни ҳам қопламайди. Ойига шунча тўласам, тирикчиликни қандай юргизаман? — тушунтиришга интилди деҳқон.

— Ов ока, бу юкхона хусусий. Ҳамма ҳужжатларим бор. Биров менга «ғинг» дея олмайди, — дағдаға қилишга ўтди Раймқул.

— Нима хусусий деб давлатнинг қонун-қоидасини тан олмайсизми?

— Мен сизга айтдимми, гап шу. Хоҳлаган жойингизга арз қилаверинг, — баттар ловиллади юкхона «мудири».

Гап уқдириб бўлмаслигига кўзи етган деҳқон ярим тунда маҳсулотларини аравага жойлади-да, уйига равона бўлди. Қандай қилиб тонг отганини ҳам сезмади. Эртасига у Деҳқон бозори маъмуриятига учрашиб, бўлган воқеани тушунтирди.

— Яхши иш бўлмапти-да, — афсуслангандек бўлди бозор раҳбари. — Ҳақиқатан ҳам биз хусусий мулк эгаларининг ишларини назорат қилмаймиз. Уларнинг устидан қарайдиганлар бор.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, — деҳқоннинг ҳайрати ошди. — Ахир, машмаша бозор ҳудудида бўляпти-ку. Деҳқонларга шарт-шароит яратиб бериш сизларнинг бўйнингизда-ку.

— Тўғри, бозор ҳудудида, бизга тегишли тарозими, растами, тозаликми шунга ўхшаган масалалар бўлса, бажонидил ҳал этган бўлардик, ака.

Деҳқон кўчага чиқиб, анча каловланиб турди. Охири, «Шунга ҳам қозихонами?! Хусусий мулк эгасига ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаса сиғмас» деб қўл силтади-ю, йўлида давом этди. Шу-шу, деҳқон умуман бозор «бетини» кўрмайдиган бўлди. Бозорликни уйида қиладиган бўлди. Эҳ, кўнгил-да, кўнгил синди...

Хусусий дўкондорларга, тижоратчиларга, хусусий ошхоналарга қонунлар таъсир қилмайдими!? Сиз билмайсизми, ака?!

***Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ* *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## РИНГДА ЁШ БОКСЧИЛАР

*Бакуда 1986-1988 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида халкаро турнир ўтказилди. Илк маротаба ташкил этилган ушбу турнир жорий йилда Руминияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёрланиш учун турткu бўлди.*

Спортчилар беллашиш билан бирга ўзларини синовдан ўтказиб олдилар. 13 та вазн тоифасида ўтган мусобақада, жами 90 нафар боксчи иштирок этди. Ўзбекистондан эса 11 вакил муваффақиятли қатнашиб, 4та олтин медал билан қайтиб келишди. Улар орасида вилоятимиздан чирчиқлик Илҳом Раҳимов 50 килограмм вазн тоифасида рингга тушиб, олтин медал соҳибига айланди. Иккинчи олтинни 1987 йилда таваллуд топган Аҳрор Муралимов (86 кг) қўлга киритди.

Катта мусобақаларда биринчи марта қатнашаётган Фурқат Тожиев 57 килограммли вазнда курашди. Аммо, тажрибасизлик оқибатида унга бронза ҳам насиб этмади.

Ғолиб спортчилар сафида юқоричирчиқлик И. Азходжаев (50кг, 4-ўрин), чирчиқлик Х. Алимирзаев (54 кг, 3-ўрин), У. Дўстматов (63 кг, 3-ўрин), юқоричирчиқлик Ф.Эшматов (70 кг, 1-ўрин), Оҳангарон шаҳридан келган А.Саидкаримов (74 кг, 2-ўрин)лар бор.

***Хуршида НАЗАРОВА.***

Олий табақа

## «ДЎСТЛИК» ЎЗИНИ ЎНГЛАМОҚДА

*Мамлакат XII миллий чемпионатининг навбатдаги тўққизинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Дарвозаларга жами 27 та тўп киритилди.*



«Дўстлик» ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан беллашди. Мухлислар олдида кўтаринки руҳда тўп сурган бўлсалар-да, майдон эгалари танаффусгача рақиб дарвозасини ишғол этолмадилар. Аммо, иккинчи бўлим бошидаёқ Александр Писарев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг жамоаларнинг ҳисобни ўзгартириш учун қилган барча уринишлари натижа бермади. «Дўстлик» очколарини 17 тага етказиб, пешқадамлар сафига қўшилди.

«Металлург» «Цементчи»нинг меҳмони бўлди. Ҳар икки жамоа ҳужумкор ўйин намойиш этди. Биринчи бўлимда майдон эгаларининг уч тўпига вакилларимиз бир тўп билан жавоб қайтардилар. Танаффусдан сўнг эса меҳмонлар яна бир тўп киритдилар, 3:2 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Гулистон» 5:0, «Қўқон-1912» — «Нефтчи» — 2:4, «Сурхон» — «Қизилқум» — 0:0, «Насаф» — «Самарқанд-Д» — 4:2, «Андижон» — «Навбаҳор» — 0:1, «Бухоро» — «Трактор» — 3:0.

Чемпионатда 24 очко тўплаган «Нефтчи» пешқадамлик қилмоқда. «Пахтакор» эса 22 очко билан иккинчи ўринни банд этиб турибди.

Биринчи табақа

## МАҒЛУБИЯТ КЕТИДАН МАҒЛУБИЯТ

*Мамлакат чимпионатининг биринчи табақаси жамоалари 11-тур учрашувларини ўтказдилар. Афсуски, рақиб майдонида тўп сурган вилоятимиз вакиллари учун бу тур омадсиз келди.*

«Шўрчи» жамоасининг меҳмони бўлган «Ангрен» футболчилари ҳар қанча ҳаракат қилмасинлар, мағлубиятдан қутила олмадилар. Учрашув 2:1 ҳисобида мезбонлар ғалабаси билан тугади. Бу жамоанинг кетма-кет иккинчи мағлубиятидир.

«Тошкент» жамоаси бу йил ушбу табақада биринчи бор қатнашаётгани сабабли яхши ўйин кўрсатолмаяпти. Ҳатто, ўз майдонида ҳам баъзан очко олмаётганлиги унинг тажрибасизлигидан далолат бермоқда. Бу сафар вакилларимиз «НБУ-Осиё» жамоаси майдонида йирик — 1:5 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Яна бир вакилимиз — «Кимёгар» «Локомотив» билан беллашиши лозим эди. Бироқ, ноқулай об-ҳаво сабабли бу ўйин бошқа кунга қолдирилди.

Қолган жамоаларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

«Зарафшон» — «Шўртон» — 1:4; «Чиғониён» — «Пахтакор-2» — 1:0; «Хазорасп» — «Шаҳрихон» — 4:1; «Хоразм-2003» — «Косонсой» — 4:2.

Вилоят чемпионати

## ҲОЗИРЧА ФАҚАТ ЮТУҚ

*Вилоят чемпионатида навбатдаги тўртинчи тур мусобақалари бўлиб ўтди. Олти ўйинда дарвозаларга 26 та тўп киритилди.*



ТошДАУ жамоаси чемпионатдаги биринчи ғалабасини қўлга киритди. Бундай муваффақиятга рақиб майдонида эришилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Университет жамоаси «Олимпиячи»дан 2:0 ҳисобида устун келди. «Цементчи» меҳмони бўлган «Металлург»нинг ҳам ўзга майдонда уч очкони қўлга киритгани бежиз эмас. Чунки, бу жамоа ҳали бирорта ҳам очко йўқотмай, пешқадамлар сафида бормоқда. У бу турда рақиб дарвозасига ягона тўп киритиб, жадвалдаги ўрнини сақлаб қолди.

Ушбу турнинг икки ўйинида йирик ҳисоблар қайд этилди. «Қибрай» жамоаси «Бўстон»ни 5:3 ҳисобида енгган бўлса, «Акмал» «Кимёгар»ни 5:2 ҳисобида мағлуб этди.

Пешқадамлар билан измаиз бораётган «Шоликор» ўз майдонида «Оҳангарон» жамоасидан 2:1 ҳисобида устун келди. Шунингдек, «Бўкалик»ни қабул қилган «Олмалиқ-Д» ҳам 3:2 ҳисобида қийин ғалабани қўлга киритди.

Тўрт баҳсда 12 тадан очко тўплаган «Акмал», «Металлург» ва «Қибрай» жамоалари турнирда пешқадамлик қилмоқдалар. Навбатдаги бешинчи тур мусобақалари 31 май куни ўтказилади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

**Вилоят чемпионатида иштирок этаётган жамоаларнинг тўрт турдан сўнг жадвалда эгаллаган ўринлари:**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Акмал» | 4 | 4 | 0 | 0 | 22-5 | 12 |
| 2. «Металлург» | 4 | 4 | 0 | 0 | 7-1 | 12 |
| 3. «Қибрай» | 4 | 4 | 0 | 0 | 11-5 | 12 |
| 4. «Цементчи» | 4 | 2 | 1 | 1 | 7-6 | 7 |
| 5. «Шоликор» | 4 | 2 | 0 | 2 | 6-5 | 6 |
| 6. «Олмалиқ-Д» | 4 | 1 | 1 | 2 | 7-8 | 4 |
| 7. ТошДАУ | 4 | 1 | 1 | 2 | 3-7 | 4 |
| 8. «Кимёгар» | 4 | 1 | 0 | 3 | 5-6 | 3 |
| 9. «Олимпиячи» | 4 | 1 | 0 | 3 | 4-16 | 3 |
| 10. «Оҳангарон» | 4 | 0 | 2 | 2 | 6-9 | 2 |
| 11. «Бўкалик» | 3 | 0 | 1 | 2 | 5-7 | 1 |
| 12. «Бўстон» | 3 | 0 | 0 | 3 | 7-13 | 0 |

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳудудида жойлашган «Тошнефтмаҳсулот» унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-қарорига асосан
**ТУГАТИЛДИ.**
Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон кубоги-2003

## ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

*Футбол бўйича 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубогини қўлга киритиш учун курашаётган саккиз жамоа ўзаро «уй-сафар» тизимидаги баҳсларни ниҳоясига етказди.*

Фарғонадаги биринчи учрашувда «Нефтчи» ғалаба қозонган бўлса, Қаршидаги жавоб учрашувида «Насаф» кўтаринки руҳда тўп суриб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз беш тўп киритиб, ярим финалчига айланди. «Пахтакор» ҳам Жиззахда «Сўғдиёна» билан жавоб учрашувини 1:1 ҳисобида якунлаб, ярим финалга чиқди. «Сурхон» жамоаси Муборакда «Машъал»га ўйинни 3:0 ҳисобида бой берган бўлса ҳам, биринчи учрашувда қўлга киритган йирик ғалабаси эвазига курашни давом эттирадиган бўлди. Тўртинчи даъвогар Наманганда «Навбаҳор» — «Бухоро» учрашувида аниқланди. Наманганликлар рақибларини 7:0 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритдилар. Футбол федерациясида ярим финалчи жуфтликларни аниқлаш учун қуръа ташланди. Унинг натижаларига кўра «Сурхон» «Пахтакор» билан, «Навбаҳор« «Насаф» билан баҳс юритадиган бўлди. Биринчи ярим финал ўйинлари 14 июнь, жавоб учрашувлари эса 7 июль куни ўтказилади.

Биллур кубок соҳиби 13 август куни Тошкентда бўлиб ўтадиган финал учрашувидан сўнг маълум бўлади.

***Талъат ЮСУПОВ.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-406. Адади 8060. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6